



- 244 бош қўйни «еб юборган» бош чўпон
- 45 000 литр бензинни «тинчитган» Мадиев
- Қонун ҳар қандай раҳбар истагидан устун туради
- Ўз нафсининг «фидойиси»
- «Бизнес режа» ёки валюта ўйинини амалга оширган суперфирибгар

- ▶ 2-бет.
- ▶ 4-бет.
- ▶ 5-бет.
- ▶ 6-бет.
- ▶ 7-бет.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир ҲУҚУҚ


ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
22 июл, чоршанба

28 (40)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Мустақиллик иншоотлари



ҲУҚУҚ ВА МАНФААТ

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шаҳар прокурорининг 1-ўринбосари Б.Ҳақназаров бошқарди. Кун тартибидаги масала юзасидан шаҳар прокурори ўринбосари М.Мирсолихоннинг «1998 йилнинг 6 ойи мобайнида Тошкент шаҳар прокуратураси идораларининг қонунчиликини, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини таъминлаш борасида олиб борган фаолияти яқини» юзасидан ахбороти тингланди.

Мазъузачи пойтахтимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида анчагина ишлар қилинганини эътироф этиб, бироқ пул, кредит ва ўзаро тўлов муаммосини ечишга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси устидан ҳозирги кун талабига жавоб бермаслигига эътиборини қаратди.

Қўлга киритган ютуқлар ўзимизники, камчилик ва муаммоларимизни зудлик билан ҳал қилишимиз керак, деди мазъузачи.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Чоршанбадан-чоршанбагача

17 июл куни Чўлпон Ота шахрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш мажлисида ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этган тўрт Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги бундан буёнги алоқаларнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Кенгаш ишида республика Бош вазири Ўткир Султонов иштирок этди.

Республика Президентининг 1998 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Хотин-қизлар кўмитаси қошида тузилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Мини комбайн яратиш муаммоси анчадан буён булоқбошилик ихтирочи Абдусаттор Жалиловга тинчлик бермасди. Аввалига у - бу деталларни ясашга уриниб кўрди. Йиғдиям. Аммо кўнгилдагидек чиқмади. Ҳажми сал каттароқдек туюлди. Сочиб ташлади. Машина-трактор саройининг бир чеккасида ётган эски комбайнларни титқилай бошлади. Керакли қисмларини олиб, мослаштирди.

Кичик комбайн юрди. Унга «Булоқ-бошиагрегат» деб ном беришди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий ва маърифий алоқалар жамиятида Франциянинг миллий байрами шарафига бағишланган тодбир бўлиб ўтди. Унда шу мамлакатдан ташриф буюрган меҳмонлар, ўзбек-француз қўшма корхоналарида меҳнат қилаётган мутахассислар, элчихона ходимлари иштирок этди.



Матназар ОТАБОЕВ:
Биз қонунни ва унга амал қилиш кўнжмасини миллатнинг таянч нуқтаси деб билишимиз лозим.



Зойир АЛИЕВ:
Барча ҳаракатларимиз судни жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи маҳкамага айланишига қаратилган.



Ўткир ХАНЖАРОВ:
Биз ҳар бир ишимизда ва ҳар қачон жамоатчиликнинг кўмаги ҳамда хайрихоҳлигига таянамиз.

Моҳият

Пичоқнинг нимага керак эканини билмасдан туриб, уни тайёрлайдиган кишини тасавуур қилиб бўлмайди.

Ж.П.САТР.

Дунёни эмас, аввало ўзингни енгишинг керак.

ДЕКАРТ.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АХМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин Йўлдошев

Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Газета андозаси «Хукук» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хукук»дан олинди, деб қўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолада белгиси остида чоп этилади.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босма-хонасида офсет усулида босилди.

Манзили: Тошкентшаҳри, Буюк Турон кўчаси -41. Нусхаси 18227 Буюртма Г - 0140 Қўғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нархда.

Босмахонага топшириш вақти: 20.00 Босмахонага топшириди: 19.00

Навбатчи муҳаррир:

М. БОЛЛИЕВА

Навбатчи:

О. БЕГАЛИЕВ

1 2 3 4 5 6 7

Шу азиз Ватан барчамизники!

МИЛЛАТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ



Матназар ОТАБОВ Жиззах вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

Чиндан ҳам, бизнинг зиммомизга давлат ва халқ томонидан катта масъулият юклаган. Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ваколатимиз билдирилган ишончни оқлаш, давр талаблари даражасида ишлашга тўла қаролат беради. Мен шу ўринда кўпроқ умумий назорат тартибиде ўтказилаётган текширишлар, уларнинг сифати ва самарадорлиги масаласига тўхталиб сам. Сабаби, бу йўналишдаги фаолиятимиз бевосита ислохотлар жараёни, республика иқтисодиётининг устивор соҳаларида қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ.

Хабарингиз бор, Жиззах вилояти кейинги йилларда халқ ҳўжалигининг кўллаб соҳаларида белгиланган режаларни бажаролмай келаяпти. Йил бошидаги ваздалар кузда унутилаяпти. Бу хусусда катта минбарларда бир неча бор гапирилди. Хусусан, муҳтарам Президентимиз вилоятда бошқорувдаги камчиликлар, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдаги нохолисликлар, ошна-оғайнинггарчилик, махоллийчилик кайфиятига берилиб кетилгани, хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш, ер ва бошқа давлат мулкларини ўзлаштириш, талон-тарож этиш, техникадан нотўғри ҳамда эътиборсизлик билан фойдаланиш каби салбий ҳолатлар тобора оммалашиб бораятганини каттиқ танқид қилган эди. Қолаверса, Республика прокуратурасининг ўтган йил октябрь ойида бўлиб ўтган қишлоқ ҳўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш муаммоларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида ҳам вилоятдаги аҳвол ташвишланарли даражада экани алоҳида таъкидлаб ўтилганди.

Биз шулардан тегишли хулоса чиқариб, билдирилган фикрларни эътиборга олган ҳолда махус ишрежаси туздик. Вилоятимиз асосан аграр санаятта иқтисослашгани боис, асосий эътиборни шу соҳага тааллуқли бўлган қонунлар ижроси назоратини кучайтиришга қаратдик. Утган давр мобайнида ер, уруғлик, минерал ўғитлар, деҳқон-фермер-ҳўжаликлар, қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланиш, мулкни сақлаш, ёқилғи-мойлаш материалларидан тежалли фойдаланиш, тезкорлик билан қарши курашилмасе, «тажриба» олмайиб кетиши ҳеч гап эмас. Айрим мансабдор шахслар ҳудди шу йўлдан боришмоқда. Улар Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ўрнига, мансаб курсисига ўтириб, дегунча ўз ҳўзур-ҳаловатлари билан бўлиб, шахсий бойлик орттиришга мўлкаендан кетиб қолишмоқда. Олайлик, Зарбдор туманидаги «Гирхўл» жамоа ширкат уюшмасининг раҳбари М. Раҳмонқулов. У етакчилик қилаётган ҳўжалиқда умумий назорат тартибиде текшириш ўтказилганда, катта миқдорда мулкни талон-тарож қилиш ва ўз фойдасига ўзлаштириш ҳолатлари аниқланди. Раҳбар бойлик орттиришининг расо ҳодисини олган устаси фаранглардан экан. Дастлаб, ўтган йилнинг ноябр ойларида А. Мордовдан 15 минг сўм олиб, баланс қиймати 22332 сўм бўлган Т-40 русумли тракторни бериб юборди. Бу раҳбарнинг илк «ақоам»ларидан бири эди. Ишининг ҳудди силлиқ кўчгани унинг иштахосини очиб юборди. У шахсий мулки билан ҳўжалик мулкни «қодштириб» қўйган шекилли, ҳўжалик балансидаги техникаларни битта-битта олаб сота бошлади. Шу тумандаги «Тоза уруғ» қишлоғида яшовчи О. Очиловдан «Янги трактор бероман», деган вояда билан 15 минг сўм пара олади. Аммо, трактор ҳа деганда келавермағач, трактор тиркагини бериб қўя қолади. Навбатдаги савдо МТЗ-80 русумли тракторни сотиш билан боғлиқ бўлди. Харидор сирдарёлик Р. Турдибоев билан 300 минг сўмга ке-

Прокуратура - ҳуқуқий давлатнинг таянчи, босқичма-босқич амалга оширилайтган ислохотларнинг фаол шатирикчисидир. Бугунги кунда прокуратура идоралари зиммасига юклаган масъулият, берилаган ваколат ва улар томонидан олиб борилайтган фаолият кўлами шундай хулосага келишга тўла асос беради.

Ҳўш, айни кунларда прокуратура идоралари асосан қайси йўналишларда иш олиб бормоқда? Қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши устидан прокурорлик назоратининг аҳволи қандай? Утказилаётган текширишлар сифати ҳамда самарадорлиги талаб даражасидами?

Яқинда мухбиримиз Жиззах вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Матназар ОТАБОВ ҳўзурида бўлиб, ана шулар ҳақида сўради.

аграр санаятта иқтисослашгани боис, асосий эътиборни шу соҳага тааллуқли бўлган қонунлар ижроси назоратини кучайтиришга қаратдик. Утган давр мобайнида ер, уруғлик, минерал ўғитлар, деҳқон-фермер-ҳўжаликлар, қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланиш, мулкни сақлаш, ёқилғи-мойлаш материалларидан тежалли фойдаланиш,

лишди. Пулнинг 100 мингини шу ернинг ўзиде, қолган қисмини расмиёлаштирилгандан кейин бериладиган бўлди. Аммо, ҳўжат ишлари битавермағач, тракторни зоминалик Л. Абдуалимовга 140 минг сўмга пуллаб юборди. Нафси ҳақалак олган М. Раҳмонқулов, ўз жинойи ҳаракатларига ўринбосари Р. Бобожоновни ҳам жалб қилади. У билан ҳамкорликда «Алтай» тракторини «оқ олтин»лик Б. Жоймановга 400 минг сўмга сотишади. Шунингдек, бош-лик ўз шериклари билан 60 минг сўмлик «DAEWOO» видеомоғни-тофонини ўзлаштиришган. Ғалла-ороллик Ж. Саманов, А. Эшбўтаев, Х. Эгомбердиев ва И. Тўғичевларга 4 та ерни 200 минг сўмга сотади.

Булордан ташқари, 814259 сўмлик ёнлиғи-мойлаш материаллар, эътиёт қисмлар ва бошқа ҳўжалик балансидаги мулкни ўзлаштирганликлари аниқланди. Бугун халқ мулкни тўя қилганлар қонун олдида жавоб беришмоқда. Бундай суиистеъмолчиликлар чорва соҳасида ҳам кўллаб содир этилмоқда. Зомин туманидаги «Чорвадор» ижара ширкатлар бирлашмасида 1983 йилдан бери бош чўпон бўлиб ишлаётган Ҳамза Хошимов 597 минг 817 сўмлик 244 та бош қўйни еб юборган. Шу ўринда ҳақли савол туғилди: нахотки, бу ишдан бошқа катта-чўкич раҳбарларнинг хабари бўлмаган? Аҳир, улар бирлашма мулкнинг сақланиши учун бевосита масъул эмасми? Ҳозир терговда шу каби саволларга жавоб изланмоқда. Албатта, бу каби фактларни истоганча келтириш мумкин. Вилоятнинг ҳар бир туманида ҳар хил миқдордаги суиистеъмолчиликлар юзасидан жинойи ишлар қўзғатилган. Бу ўринда мақсад рўйхат-бозлик эмас. Ушбу жиноятларнинг туб илдиэлари, ижтимоий сабабларини аниқлашди.


Бизнингча, бу каби салбий ҳолатларнинг туб илдиэлари кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги нохолисликларга бориб тақалади. Иккинчиси, ҳамон қонунга ҳурмат қўниқмага айланиб улгурмаганидандир. Биз энди қонунни олий қодрият мақомига кўтаришимиз зарур. Зеро, ҳўқуқий демократик жамиятда қонунлар миллатнинг таянч нуқтаси бўлиб қолиши керак.

Б.УЛЛИБОБОВ ёзиб олди.

Текширишлар натижаларига кўра 418 млн. сўмдан ортиқ 286 та даъво аризаси қўзғатилди. 1455 шахс расмий оғохлантирилди. 461 та тақдирнома, 343 та амрнома киритилди. 352 та ноқонуний ҳўжатлар бекор қилинди. Мансабдор шахслардан 587 таси интизомий, 1003 таси маъмурий ва 117 таси моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 158 та жиноят ишлари қўзғатилди. Етказилган зарарнинг 17 млн. 500 минг сўми иштирий равишда ундириб олинди.

«Оғохот» Чиликко чорва қонунларнинг омалиётда қой даражада бажарилаётганини ўғраниб чиқдик.

Шунинг алоҳида қайд қилишимиз зарурки, биз текширишларда фақат жинойи ҳаракатларни фох қилиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш билан чекланиб қолмаёғимиз. Шундай нохуш ҳолатларни юзага келтирган омиллар, сабаб ва шартларни ҳам доимий эътиборимизда бўлмоқда. Назаримда, бу жуда муҳим. Негаки, содир этилган ҳар бир жиноят атрофиде унга ҳайрихоҳлар, шу кўчадан юришга мойил қисмлар бўлади. Агар уларнинг пайи қирқилмасе, ноғўя қадамлар доимий назоратта олинмасе, қачондир қонунбузорлик содир этилиши тайин. Ўзлаштириш, талон-тарожлик билан боғлиқ жиноятлар бемаза қовуннинг уруғига ўхшайди. Унга астойдил ва



Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурорлари У.Ражабов ва Т.Латипов иш устиде. Р.ШАРИПОВ сурати.

Ахборот

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

15 июль куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида, мамлакатда уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар билан курашнинг аҳволи мавзусида сўхбат бўлиб ўтди.

Сўхбатда халқаро ТАСИС дастури доирасида Европа иттифоки томонидан МДХ мамлакатларида наркотик моддалар билан ноқонуний муомила қилиш ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга қаратилган «Одил судлов ва ички иш лойиҳаси» экспертлари Михаил Джуриш ва Франс Донал иштирок этишди. Сўхбат самимий, ўзаро фикрлар алмашиш руҳида бўлиб, М.Джуриш республикада гивъандликка қарши кураш борасида олиб борилайтган ишлар билан қизиқди. Республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Ш.Мухаммедов ва бошқарма катта прокурори А.Эшмуродовлар меҳмонларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Шундан сўнг гивъандликка қарши кураш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизими, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларга қарши курашнинг равишида шугўлланувчиларга қарши кураш борасида олиб борилайтган ишлар ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Н.УСАНОВ.

Коррупция етказган зарар

«БЕНЗИНГА ЎҒРИ КЕТДИ...»

45000 литр бензинни тинчитган Мадиев

Вилоят нефть маҳсулотлари бошқармаси ва унга қарашли муассасаларда таниш-билишчилик, кўзбўямачиликлар авжга чиққан бир пайтда, бу ишнинг бошида турган кимсалар бирин-кетин тумшугидан илина бошладилар.

Багарное нефть маҳсулотлари корхонасининг собик бош муҳандиси Шермухаммад Аҳмедовнинг сўнги пайтларда эғаллаб турган лавозимидан кўнгли совий бошлоди. Бунинг сабаби, чўнтак кургурга ҳа деганда мўмай даромад келиб тушвермаслиги эди. У номи улуг, супраси куруқ лавозимдан воз кечишни, ахсиси, бензин кўйиш шаҳобчасида оддий оператор бўлиб ишлашни маъқул кўрди. Ва шундай бўлди ҳам.

Бош муҳандис бўлиб, костюмига атир селиб, чўнтагида шамол кезиб юрганидан, устбошидан бензин хиди анқиб турадиган хожатбарор оператор бўлиб, давр сургана не этсин.

Хулласи калом, у 9-АЁҚШда бош оператор лавозимига даври-даврэн сура бошлади. Фақат талонга бериши лозим бўлган бензинни нақд пулга ҳам сотаверди. Жумракдан оқиб келаётгандек жарақ-жарақ пуллари кўриб, Шермухаммадбой шовиб қолди. Сотилган бензиннинг пуллари кассога бормай, кассога тушаверди.

Кунда-кунора бўлаётган тушумдан Шермухаммад ҳисоб-китобини йўқотиб кўйди. Ишни 3325 литр қолдиқ билан қабул қилиб олган эди. Уч ойда жами салкам ўн икки минг литр бензин олиб келган бўлса, қолдиқ бензин билан жами ўн беш минг литрдан ортиқ бензин унинг моддий жавобгарлигида эди. Шундан фақат 7125 литрини сотиб, пулни ўз фойдасига ўзлаштириб, ўзига ишониб топширилган давлат мулкни талон-тарож қилиб юборди.

Нафс кургур ёмон-да, Шермухаммад бу луқмани тинчгина сингдирилмади. Унинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўзи эса 8 йилга жазони каттик тортибдаги колонияда ўташ шарти билан озодликдан маҳрум этилди.

Яна бир мисол. Норбой Мадиев 1991 йили Жиззах чўл қурилиш бошқармасига қарашли 35-сонли механизациялашган кўча колонияда бош ҳисобчи вазифасида иш бошлоди. У шу қадар чаққан ва ташкилотчи эканки, атрофдагиларнинг бошини бир жойга келтириб, хизмат вазифасидан фарз мақсадларда фойдаланишни омалаштириб юборди. Н. Мадиев шу ташкилотнинг собик бошлиғи Руфат Қадралиев, Жиззах шаҳар нефть маҳсулотлари базасининг собик бошлиғи Рустам Қозокбоев, товар-транспорт цехи бошлиғининг собик муовини Алижон Исанов, аввал шу база бошлиғи муовини, кейинчалик товар-транспорт цехининг бошлиғи бўлиб ишлаган Одил Санақулов, база жағмарга бўлимининг собик бошлиғи Анвар Мирқомиллов, бош ҳисобчи муовини бўлиб ишлаган Зоҳир Нуриддинов, хазиначи Ҳаким Урозов, нефть базига қарашли 48-сонли автомобилларга

ёниля кўйиш шаҳобчасининг операторлари Асадулло Нуриллоев, Орзикул Ҳаққулов, Юсуф Юсулов, Алишер Раҳимов ва Фориш туман нефть базасига қарашли 32-сонли ёниля кўйиш шаҳобчасининг бош оператори Зиёд Бобоҷоновлар билан келишган ҳолда 1994-1995 йилларда калонна ҳисобидан ўзининг ва бошқа шахслорнинг номларига қалбаки ишонч қоғозлари ёзиб, шулар асосида ёзилган қалбаки юнмолар билан Жиззах шаҳар ва Фориш тумани нефть базаларидан мунтазам равишда жуда кўп миқдорда бензин ва дизел ёқилгилари ҳамда бензин учун яғнона давлат патталарини олиб, талон-тарож қилганлар.

Н.Мадиев 1994-1995 йиллар давомида ўз ҳамотоқлари билан талон-тарож қилган ёқилги миқдори салкам қирқ беш минг литрни ташкил қилади. У шу йиллар мобайнида Жиззах шаҳар нефть базасидан жами 284400 сўмлик бензин патталарини олиб, шундан 26300 сўмлик патталарни Зоҳир Нуриддиновга бериб, қолган бензин патталарини оператор А. Нуриллоев, О. Ҳаққулов, Ю. Юсулов ва А. Раҳимовга сотиб, жиноий шериклари билан биргаликда жуда кўп миқдорда давлат мулкни ўз ҳисобига ўзлаштириб юборган.

Жиззах нефть базасидан тўйиб, тинчмаган Норбой Мадиев Фориш нефть базаси тамон юриш қилади. У ердан жиноий шерик қидиради. Унга Фориш туман нефть базасига қарашли 32-сонли АЁҚШнинг бош оператори Зиёд Бобоҷонов «лаббай» деб пешвоз чиқди. Мадиев 35-МКК ҳисобидан Т. Хидиров номига қалбакилаштирилган ишонч қози бўйича Жиззах шаҳар нефть базасидан 2818 сўмлик дизел ёқилгисини ҳайдовчи Фозил Хидиров бошқарувидаги автомашинада олиб чиқиб, Зиёд ишлайдиган 32-АЁҚШ орқали сотиб, пулни иккала-си ўртада ўзлаштирган. Н.Мадиев ҳеч тап тортимасдан жиноий қилмишини давом эттирверди ва оқибатда давлатга жами бир миллион олти юз минг сўмга яқин, жуда катта миқдорда моддий зарар етказди. Бу зарар Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 июн қарорига асосан, уч баробар қўйотирилганда 4689700 сўмни ташкил қилади.

12 нафар баднафс кимсаларнинг қирдиқорлари фош этилиб, улар суднинг қора курсисига ўтирдилар. Жиззах вилоят судининг ҳукмига кўра, айбланувчиларнинг ҳар бири турли муддатларга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Аммо, каминанинг қулониға бутун Жиззах вилояти бўйлаб ўрмалаб юрган бир миш-миш чалинди. Юлғич-у фирибгарларку ҳақ жазога тортидилар. Бирок, ёқилги кўйиш шаҳобчалари уларнинг олғир издошларидан батамом тозаланимган эмиш. Қайдам, бўлса бардир. Ишқилиб, юртининг эгалари-ю, қонунчилик посбонлари бедор бўлишсин-да.

М. АБДУНАЗАРОВ.

Шаҳар бедарвоза эмас, деб бежиз айтмайдилар. Ватаниннинг ҳам сарҳади бор, бу сарҳадларда маънавий посбонларига эга рамзий дарвозалар мавжуд. Мамлакатимиз ҳудудидан турли хил моддий ва маънавий бойликларни ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетишга уринишларнинг олиндини олиш, бу бойликларни юртимиз манфаати йўлида сарф қилишга йўналтиришда, шубҳасиз, божхона ходимларининг хизмати катта. Бу фидойи ватанпарварлар сый-ҳаракати боис қанчадан-қанча жиноий ҳаракатлар фош этилиб, мамлакат мулки муҳофаза қилинмоқда.

Жиззах вилояти божхона бошқармаси суриштирув бўлими ходимлари Йўлдош Тиркашев ва Эргаштой Тоҳтаровларни қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш, демакки, ризқ-насибамизни қўпайтириш учун сарфлашни лозим бўлган катта миқдордаги кимёвий ўғитларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишаётганда ушлаб қолишди.

Э. Тоҳтаров жиноий келишувга кўра, Марат Алкеев бошқарувидаги юк машинасидан алдов йўли билан, яъни ҳайдовчидан товарни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганини яшириб, мақсадини амалга оширишга киришади. Машина эгаси ундан 500 АҚШ доллари миқдорига қарлиги боис, ҳужжатларни



ЕР РИЗҚИГА ШЕРИК «ЭР»ЛАР

Омбор эшиклари очик бўлса ҳам, божхона дарвозалари ёпиқ.

суриштиришга ботинолмайди. Бундай ўйлаб қаралса, жиноятчиларнинг бутун бошли ҳаракати «сендан угина, мендан бугина» қабилида қурилганлигини кўраимиз. Бир фалон сўм қарз бўлса, яна бири, яъни собик омбор мудири Й. Тиркашев оғир хасталикка чалингани боис даволаниш учун пул топиш ниятида ўйриликка қўл урганлигини айтиб, кўргазма беради. Лекин, шу ўринда бошқа бир норсага ажабланасан киши. Элимизда ёпиқ эшик ёв қайтарор, деган мақол бор. Шунча маблағ эвазига келтирилган моддий манба жойлашган омбор йиллар давомида қўлфиз, сим билан боғлағли турган. Шубҳасиз, собик мудир бундан хобдорд. Калитнинг қимда туриши ҳусусида жавобгарлик бўлмағач, ўғрини топиш ҳам амримаҳол, жиноятни хаспулашга эшик бир боҳонага ўтиши ҳам тайин. Агар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари текширувдан ўтказишмаганда қим билади, Арнасой туманига қарашли неча гектар экин майдони ҳосилдорлик қувватидан мосуво бўлиб, 200 қоп аммиакли селитра Қозғистон республикаси ҳудудига ноқонуний равишда ўтиб кетармиди? Омбор эшиги очик бўлса ҳам, божхона дарвозалари ёпиқ, посбонлар сергак экани яна бир қонунбузарлиқнинг йўлини тўсди.

Ҳудди шу турдаги жиноят Зомин туманининг Тожикистон республикаси чегарасида жойлашган божхона ходимлари тамонидан фош қилинди. Муқаддам судланиб, яна эл қатори меҳнат жабҳасига қўшилиб юрса-да, ўзига тўғри хулоса чиқармаган Турсунқул Хожиев хизмат мавқени сунистеъмола қилиб, гўё бир марта оғзи қуйганидан «қонунни билиб» ўғирлик мол учун сохта ҳужжат тайёрлайди. Туман кўкаламзорлаштириш ҳиссодорлик жамиятида бош ҳисобчи лавозимида тинчгина ишлаб юриб, яна нафс гирдобига тушади. 1998 йил 18 апрель кунчи ҳеч қарерда ишламайдиган, зоминлик Ш. Мирзоев, Мирзочўл туманига қарашли 3-сонли автобаза ҳайдовчиси Сайдулло Солибоевлар билан жиноий тил бириктириб, Дўстлик туманларо «Агрокимё» таъминоти ҳиссодорлик жамияти раҳбарларига сездирмасдан, бошлиқнинг руҳатисиз, унинг ўрнига ўзи имзо чекиб, кўкаламзорлаштириш ҳиссодорлик жамиятига кириб қилмасдан 11,500 килограмм минерал ўғитни қўшни Республикага олиб чиқиб кетишга уринади. Йўлда ДАН ходимларининг оғохлантиришига қарамасдан, Зомин туманидаги Даштобод-Ем айланма чегара йўли билан тўхтамасдан кетаверишади. Посбонларнинг тезкор ҳаракатлари натижада жиноят фош қилинди.

Охир-оқибатда, ўғит ўғирлари қонун олдида қилмишига яраша жавоб бердилар.

Шакар ТИНИБОВЕВ,
вилоят прокуратурасининг
бўлим бошлиғи.

Жиззах шаҳридаги замонавий услубда қурилган супер-маркет доғим харидорлар билан гажжум.



Суратда: Ташкент-Термез йўналишидаги «Манас» ДАН маскани тунги навбатчилари Х.Эшонқулов ва А.Саримсоқов.



Бу маҳсулотлар ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетилаётганда ушлаб қолинган.


Қонун ва ижро

Мустақил юртимизнинг ёрқин келажаги ҳисобланган ёшларнинг фаолияти учун ҳукуматимиз ҳар томонлама шароит яратиб бermoқда. Республика ёшларининг «Қамолот» жамғармаси ҳам худди шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилган. Ҳўш, мазкур жамғарманинг жойлардаги бўлимлари ўзларига юклатилган вазифани қандай уйдлаштиради? Нега вилоятлардаги ёшлар орасида ишсизлар сони кўпаймоқда?
Бу саволга туманимиз мисолида жавоб излаб кўрсак.

расмийлаштириб, 1997 йил декабр ойи учун 7700 сўм пулни қалбаки имзо қўйиб, ўзи олади. Х.Эргашев кингир йўллар билан пул топишда қалбаки имзолардан самарали фойдаланади. У фирма ҳисобидаги пулдан ҳазиначи Н.Румянцева орқали 10 минг сўмни фирма

ЗАМОНА ЗЎРНИКИМИ...

Қонун олтин қазиб олиш кони раҳбари истагидан усун туради.



Ланас МАМАТҚУЛОВ,
Галлаорол туман прокурори.

Амал курси ҳар кимга ҳам вафо қилавермас экан. Бўлмаса кимсан Маржонбулоқ олтин қазиб олиш кони раҳбари Норбой Номозбоевдай одам суднинг қора курсисидан ўтирармиди. Аслида кон бошлиғига шунчалик ташвиш келтирган воқеага жуда оддий бир иш сабаб бўлганди.

Уша кун Н. Номозов чап томони билан турганми ёки йўл-йўлакай олдидан қора мушук кесиб ўтгани, ҳар қалай эрталабдан кайфияти унчалик яхши эмасди. Устига-устак одамларни ишга элтиб

кўядиган автобуслардан бири ишга чиқмабди. Номозбоев сабабини суриштириб ўтирмай, корхона автотранспорт бўлими бошлиғи Абдураҳмон Бегматов ва шу бўлим механиғи Аҳат Турдиевни ҳузурига чорлади.

- Тамом, бугундан бошлаб иккаланг ҳам бўшсан!
- Кечирасиз, Норбой ака, ахир...
- Ҳеч қанақа ахир-пахир ийўк. Гап тамом. Иккаланг ҳам бугундан бошлаб қондан қорангни кўрсатма!

Бўлим бошлиғи билан механик корхонанинг бошқа раҳбарларига учрашиб кўришади. Афсуски, бошликнинг хатосини айтадиган мард топилмади. Жабранувчилар яна бир-икки юкори идоралор зашигини ҳам қоқишди. Натижа чиқмагач, прокуратурага мурожаат этишга мажбур бўлишди.

Биз уларнинг аризасини ўрганиб чиқиб, туман судига даъво аризаси йўлладик. Суд мазкур ишни обдон ўрганиб, ҳар икки ходим раҳбар томонидан ишдан асоссиз бўшатилгани ҳақида шу йил 14 январь кун жабранувчилар фойдасига қарор чиқариб берди. Бегматов билан Турдиев суд қарорини кўтарганича қўшдай учиб, кон бошлигининг иш кабинетига кириб бордилар.

Номозбоев эса суд қарорини эринмай ўқиб чикди-ю, аммо пинагини ҳам бузиб қўймади. Қарорни столига қўйди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, хонасида кўл қовуштириб турган собик ходимларига деди:

- Менга қаранглор, раҳбарнинг гапи битта бўлади. Тамом-вассалам!
- Ахир суд қарори...
- Ҳеч қандай қарор-парорингни билмайман!...

Ҳижолатда қолган ходимлар яна судга боришди. Бошлиққа иккинчи бора хат йўллашга тўғри келди.

Аммо, Номозбоев бу гал ҳам бўш келмади. Суд қарори ижросини таъминлаш мажбурий экани ҳақида ўйлаб ҳам қўрмади. Галлаороллик ҳуқуқ посбонлари дастлаб унга қонун билан ўйнашиб бўлмаслигини ётиги билан тушунтирдилар. Барбир натижа чиқмади. Курси Номозбоевни буткул ҳаволантириб юборган экан. Бўлмаса, суд қарорини рад этишга ҳадди сифармида...

Ҳа, Номозбоев бургга аччиқ қилиб, қўрпага ўт қўяётганини сира тушунгиси келмасди. Уни жаббар сифатида судга тақлиф этишди. Йўк, тушунмайдиган одам барибир тушунмас экан. Ўзи айбланувчи бўлмаса-да, сўроқ беришдан бош тортди.

Суддагиларнинг ҳам охири тақатлари тоқ бўлди. Қонунни менсимайдиган мансабдорни ЖКнинг 232-моддаси билан айбдор деб топиб, 3 йил муддатга ахлоқ тўзатиш жазосига маҳкум қилди. Қўдан тушса ҳам эгардан тушмайди Номозбоевнинг ўзидан очилди.

СУҲОНОВ ТАНИШЛАРИНИ СУҲОНТИРДИ

Жамғарманинг Пахтакор туман бўлимидаги «Қамолот-Юлдуз» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раиси Б. Сунонов салкам бир йиллик фаолияти мобайнида ўз нафсининг қулига айланмаганида, балки бугун панжара ортида ўтирмасмиди? Фирма низомига кўра, даромаднинг ярми фаолиятни ривожлантиришга, қолган қисми эса туман ёшларининг муаммоларини ҳал қилиш, уларни иш билан таъминлаш, рағбатлантириш, ёшларга ижтимоий ёрдам бериш каби ишларга сарфланиши лозим эди. Лекин, Б. Сунонов ўз фаолияти мобайнида бу низоом билан танишиб ҳам чиқмаган кўринибди. У амалга миқди-ю, туман ёшларини эмас, ўз таниш-билишларини кўллаб-қувватлаш пайига тушди. Фирма раиси шартнома асосида Э. Туваловдан 58 минг 876 сўмлик, Р. Бойбўриевдан 50 минг 471 сўмлик, М. Тилоқовдан 80 минг 360 сўмлик рангли металлор қабул қилиб, вазига натуро сифатида юк хақи билан ҳар учало шаҳсга умумий қиймати 176 минг 043 сўмлик миллий қалишларни бўлиб беради. Аммо, хотамтай раис Солиқ Кодексининг 63-моддасига мувофиқ ҳисомини шахслардан давлат бюджетига даромод солиғи ушлаб қолиш лозимлигини билса-да, ўз танишларига давлат мулки ҳисобидан ҳиммат кўрсатиб, 73 минг 575 сўмлик солиқларни ушлаб қолмасдан, давлат бюджетига қатта миқдорда мулкый зарар етказган.

Жамғарма қошида учта корхона очилганида, учаласининг ҳам раҳбари жинойий жавобгарликка тортилади.

мийлаштириб, уларга иш ҳақи сифатида беради. Б. Мусулмонов номига ҳам 11 минг 416 сўм ёзиб, унинг имзосини яна қалбакилаштиради. Ҳеч тап тортмасдан бу пуллорни бамойлихотир ўз чўнтағига уради. Шу тариқа фирма ҳазинасидан сентябр ойида 24 минг 156 сўм маблағ қонқонуний равишда чиқим қилинади. Осонгина мўмай даромад қилишни ўрганиб олган Сунонов пул топишининг янги-янги йўллорини қидирарди. У ўз ваколатини суистеъмол қилиш йўли билан 1997 йил 28 декабр кун Пахтакор туман «Тадбиркорбанк»дан 11 минг сўм пул олиб, бу пуллорни фирма ҳисобига кириш қилмасдан, ўзи ва ҳамтовқорлари номига расмийлаштиради. Жиноятининг изини ёпиш мақсадида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб қўяди. Сунонов кингир йўллар билан фирмага тегишли 54 минг 274 сўм пулни ўз манфаати йўлида ишлатиб юборарди.

Жамғармага қарашли «Қамолот-Феруза» фирмаси директори Х. Эргашев ҳам давлат мулкни ўз манфаати йўлида талон-тарож қилишда юкоридати ҳамқасбидан қолишмайди. У фирмага 1996 йил 6 августдан 1997 йил 20 ноябргача бўлган қисқа вақтдаги директорлиги мобайнида давлат ва халқ мулкни ҳар хил йўллар билан ўзлаштириб келган. Жумладан, фирма ташкил этилгандан сўнг тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Қамолот» жамғармасидан фирмага 45 минг сўм ўтказилган эди. Раис эса, фирмада иш бошламасдан туриб, ўз мансаб ваколатидан фойдаланишга тушиб кетади. Фирма низомида курсатилган ёшларни кўллаб-қувватлашни ўз чўнтағини кўллаб-қувватлашдан бошлади. Х. Эргашев 7950-сонли Халқ банкига фарзандларининг нафақа пули деб, 7425 сўм пул ўтказди ва у ердан пулни ўзи олади. Фирма низомига кўра, фирма ҳисобидаги пуллордан даромад олмай туриб, иш ҳақи олиш мумкин эмас. Лекин, раис низомига риоя қилмасдан, ўз билганича маблағларни ўзлаштиришда давом этади. У 1996 йил сентябр ойида 62-сонли тўлов хабарномаси билан «Пахтакор»га иш ҳақи, деб 2500 сўм пул ўтказиб, бу пулни ҳам ўзлаштиради. Фирмага тегишли шунча пуллорни осонгина ўзлаштирилганини ҳеч ким пайкамаганидан хурсанд бўлган раис бемалол жинойий ишларини давом эттирарверди. У фирмада ишломайдиган фўқоро А. Аскаронинг номига болаларининг нафақа пули деб

номига ўтказиб, бу пуллорни ҳам фирмада умуман ишломайдиган Турдибоев, Кийиков каби шахсларга ойллик сифатида берилди, деб расмийлаштиради. Шу йўл билан бу пуллорни ҳам чўнтағига йўллади. Қаноат нимолигини унутиб қўйган раис фирма ҳисобидаги пулдан 1997 йил 27 май кун ўз номига 585139-сонли чеки расмийлаштириб, чекдаги бош ҳисобчи, деган жойга ишдан аллақачон бўшаб кетган Ф. Абдуллаевнинг қалбаки имзосини қўйиб, туман «Пахтакор»дан 14 минг 648 сўм пул олган. Бу пулнинг 9648 сўмини 1996 йил августдан декабргача бўлган ойлор учун ўзига иш ҳақи, деб расмийлаштирган. Қолган 5000 сўм пулни ҳам бегона қилмаган. Шундай қилиб, Х. Эргашев жамғармага тегишли 42273 сўмлик қўл миқдордаги пулни ими-жимиди ўзлаштириб юборган.

«Қамолот» жамғармасига туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ажратилган 25 га ер майдонига ҳам эга чиқди. Жамғарма қошидаги ёрдамчи ҳўжалик раиси Холдор Мирзаев мазкур ер майдонидан қонқонуний йўллар билан А. Эркаевга 2 га ерни 50 минг сўмга пуллайти ҳамда 5,8 га ер майдонни Н. Парпиев ва У. Абдурахмоновларга олинадиган даромадларга тенг шериклик қилиш учун бериб юборарди.

Ҳеч қачон ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолмайди. Кўза куниде синади деганларидек, «Қамолот» жамғармаси Пахтакор туман бўлимида юз берган талон-тарожликлар фаш этилди. Айбдорлар жазосини олди. Бир нарсага ажоблана-сан киши, жамғармада шунча суистеъмолчиликлар, талон-тарожликлар бўлиб турса-ю, нахотки туман ҳокимияти ва бошқа мутасаддилор бехабор бўлса... Нахотки, туман ёшларининг тақдир мутасаддилорни қизиқтирмасми?

Ҳошимжон ЭСОНОВ,
Пахтакор туман прокурори
адлия маслаҳатчиси



Жиззах вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралорининг замонвий техника воситалари билан таъминланган. Бу муваффақиятлар гарови бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият

Бир парча қоғоз икки ёш юракнинг телесини битиб, икки талпинчқок кўнгилга чексиз қувонч ато қилганди. Мўъжизага боққандай боққандилар бу қоғозга, бир-бирларига қараб тўймаганларидай ундан узоқ вақт кўз узолмай турардилар. Кўнгиллар сўз айтди, қарор берди-ю, олпоқ қоғоз бажонидил кўчириб олди бу ойдин умидларни. Шу йўсин умр боғламига айланди никоҳ битиги. Ҳам икки дил, ҳам эл қувонди бу кичик «тарихий воқеа»дан, тўй қилиб, шодликларни баҳам кўрдилар. Ҳа, Қодиржон ва Дилрабо иккови шундай ҳаяжонлар, оташин орзулар билан 1986 йилда никоҳдан ўтган эдилар.

Бир мучал вақт ўтди. Кўнгиллар амри билан битилган қоғоз, яна шу кўнгиллар амри билан... Нимадан бошланди ўзи?

Ажабо, ҳозир ажрим ҳолатлари қайд қилинган оилалардан бу нохуш ҳолинг сабабини суриштириб, айтарили жиддийроқ асос топиш мушкул. «Нима бўлди» деб сўрайсиз, катта бир воқеа эшитмайсиз, қайси бир арзимоган гални айтишса «дока рўмоннинг қуриши» деб баҳолайсиз, «кўш, яна нима бўлди» - «пичқоққа илинадиган» далил сўрайсиз. Чиндан ҳам, ҳеч бирини жиддий сабабга йўймайсиз, фақат жиддий ҳодиса шукки, икки ўртада ажрим юзага келган. Одатда, оилавий ажрим ҳақида суд қарори эълон қилингандан кейин «фалончи ажрашибди», дейишади. Шубҳасиз, бу ажралишнинг илк куртаклари иккаласининг ҳам кўнглида қай бир кун, қай бир лаҳзадан бошланган, билиб-билмай қолган улар. Эл қатори эр-хотин ҳам бу арзимоган ҳоли «дока рўмоннинг қуриши», деб ҳисоблашган. Шу билан оила дарахтидаги бир япроқ қуриган-у, янги куртак унинг ўрнини тўлдирмай туриб, яна бир япроқ саррайган... Тўғри, дарахтнинг бир япроғи қурибди, деб уни кесиб ташламайдилар,



дарахтни унинг ўзи қуриганлиги учун кесадилар. Ҳа, бу дарахт меҳр парварлишига муҳтож, илдиз-у япроқлари замин-у самодан озиқталаб. Тез-тез бўлиб турадиган, кичкинадай туюлган кўнгли қолишлар, ёҳуд эр ёки хотиннинг у ер-бу ерга кетиши, кун-кундан, йил-йилдан «командировка» мuddатларининг чўзилиши кўнликмага айланса, охир-оқибатда бу узоқлик-умрбодликка тенглашишини, демас арзирсиз сабаб биз ўйлагонча эмас, аслида каттагина эканини ҳеч ким эру-хотиннинг совуб бўлган кўнглича ҳис қилмаса керак.

Жиззах шаҳар судининг очик суд мажлисида Д.Абдиева кўргазма бера туриб, эҳтимол шу боис «ярашишга мuddат беришнинг фойдаси йўқлигини» айтгандир. У зрининг 1995 йилдан буён (демас, 3 йил давомида) Россияга кетиб, ҳар 6-7 ойда

бир келишини, ҳар келганида жанжал кўтариб, урaveryишини айтди. Даъвогар-у жавобгарларнинг кўнглида аллақачон ҳал бўлган ажрим қонуний қучга кирди. Вазиятни тушунган иккала томон ҳам бир-бирларининг кўргазмасини инкор қилиб ўтирмади, ақинча, иккаласи-да, мuddат беришдан наф йўқлигини баён қилдилар. Жавобгар Д.Абдиева эри томонидан судга келтирилган даъвоини қаноатлантиришни сўраб, кўргазма берди. Бинобарин, эру хотин орасида умуман ҳурмат қалма-ганини таъкидлашганида, бир нарсани ўйлайсан киши, сирасини айтганда ҳурмат ҳам, ҳурматсизлик ҳам эътибордан бошланади, уч йилдирки, на кўзларида, на кўнглиларида бир-бирига эътибор қолмаган, тўрт фарзанднинг ота-онаси шунча мuddат бирга яшамоган - оила дарахти юрак қаровисиз қолган,



меҳр қаровисиз қолган болалардай. Табиийки, уйдаги низолар аслида кўнглидаги низолардан, меҳрнинг дарз кетишидан бошланади. Турмушда эҳтиёт бўлиш керак дейишди, турмушчи эса кўнгли суйайди, меҳр озиқлашди, эътибор гуллатади. Одатда, ажрашган оилаларнинг оъзолари барибир узиликесил тақдир боғламадан қутуллолмайдилар, табиийки, ҳар ким ондан фақат бир марта тугилади. Бу боғлиқлик илпорлар одатда, онда, фарзандларда, хатто туғилмаган невараларда худди кўнглидай узоқлашади, узунлашади, холос.

Ота ажрим қилди-ю, бола-чақа, ҳовли, шу кичик ватонни ташлаб кетди. Илк бора ўша оддий ўйлар билан Россияга, деб уйдан чиқибди, масканини тарк этиш билан яқунланади, деб ким ўйлабди дейсиз. Йўқ, ўйлаш, оилавий эътиборга доҳл қиладиган ҳар қандай қадам, ҳар қандай сўз, ҳаракатдан тийилиш, кўнглини ҳам, ўйини ҳам асраш лозим. Зеро, бу аҳамиятли асровнинг замини ҳар кимнинг ўзидодир.

Маҳмуд Қўлдошев,
вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси.

Халқ мулкини туя қилганлар

Айрим мансабдор шахсларнинг ваколатидан ўз максадлари йўлида фойдаланаётганлиги, хизмат сохтакорлигига йўл қўяётганлиги оқибатида ай-

пул маблағларини фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштириш йўли билан жуда кўп миқдорда ўз

ЎЗ

НАФСИННИНГ «ФИДОЙИСИ»

рим фуқаролар ҳақли эътирозлар билан ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда.

Пахтакор туманида жойлашган 7950-ҳалқ банкнинг Мингчинор кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi 09-шаҳобчасида 1995 йилнинг 11 февралидан 1997 йилнинг 10 мартига қадор назоратчи-ҳазиначи, яъни моддий жавобгар шахс вазифасида ишлаб келган Рустам Қодиров ўз мансабидан фойдаланиб, хизмат сохтакорлигига йўл қўйди. Давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун ажратилган нақд

фойдасига ўзлаштирди.

Жумладан, Мингчинор кишлоқ фуқаролар йиғини комиссияси томонидан ўнлаб кам таъминланган оилаларга ажратилган пуллари қалбаки ҳазина чиқиш ордерлари ёзиб ва ушбу ордерларнинг пулни олдим деган жойдаги имзоларини қалбакилаштириб, ўз фойдасига ўзлаштирган. Рустам Қодировнинг жами ўзлаштирган маблағи 124176 сўмни ташкил этади.

У бу билан чегараланмади. Фуқароларнинг омонат пуллари ҳам куз олайтира бошлади. Ўнлаб фуқароларнинг омонат жамғармаларидаги пуллари қалбаки чиқим ордерлари ёзди. Имзоларни қалбакилаштирди. Шу йўл билан яна 57537 сўмни ўзлаштирди.

Рустам Қодировнинг бу гайри-қонуний ҳаракатларига кеч бўлса-да чек қўйилди. У суднинг қора курсисига иккинчи бор ўтириб, қилган ишлари учун жавоб берди. Ҳа, иккинчи бор... Чунки у муқаддам 1995 йилнинг 22 май куни Пахтакор туман судининг ҳужмига қўра, Жиноят Кодексининг 207-модда 1-қисми билан 1 йил мuddатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинган эди. Аммо у бундан ҳулоса чиқариб олмади. Яна жиноятга қул ўрди. Энди бу жиноят Рустам учун ахиргисимикан? Бундан ташқари халқ банки шаҳобчаларида бундан кейин ана шундай ҳодисалар такрорланмайди? Халқнинг ўз ортикча маблағларини омонат қасаларига қўймаётганлигига Рустам Қодировга ўхшаш зотлар йўл қўяётган хатолар ҳам сабаб бўлмайптими? Булар ҳақида халқ банки раҳбарлари бош қотириб қўридаган фурсат алақачон етилган экан.

С.ҚУРМАНБЕТОВ.



Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори Алиқуд Худойбердиев бошлана хизмати ходимлари билан, Р.ШАРИПОВ сурати.

Мамлакатимизда галла мустақиллигига эришиш йўлида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Бу йил бир миллион 310 миң гектар ерга уруғ қодаган деҳқонларимиз 4 миллион тонна бошоқли дон йиғиштириб олиш ниятида тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Мақсад иқтисодий барқарорлик, халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб улуш қўшиш. Бугун, юрт мустақиллигининг етти йиллиги арафасида кўнглида Ватанга муҳаббат, унинг камолига ишончи бор ҳар бир фуқаро галлачиликда олиб борилаётган ишлар билан самимий қизиқиб, кеча фалон вилоят режани бажарганидир, бугун бошқаси бажарди, биз ҳам тезроқ режани бажарсайдик, эл-юрт олдида, халқ олдида юзимиз еруғ бўлсайдик, деган ният билан ёниб яшамоқда.

Бултур Жиззах вилояти галлакорлари режани бажара олмадилар, Ҳосилдорлик республика бўйича энг кам кўрсаткични ташкил қилди, Албатта, юрт олдида изза бўлган киши хатоларини ўз вақтида тўғрилошга ҳаракат қилади. Жиззахликлар, жумладан Зафаробод тумани галлакорлари ҳам шундай қилдилар. Бу йил туманда 15423 тонна бошоқли дон етиштирилиб, режа ортиги билан бажарилди. Аммо, режанинг бажарилиши бу ҳали муваффақият эмас. Имониятлар даражасида ҳаракат қилинсагина муваффақиятга тўлиқ эришиш мумкин.

Шунингдек, режани бажардик, энди хоҳлоганимизни қиламиз дея бошбошдоқликка боришга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, кўпчилик шундай деб билмайди. Дейлик, Абдуғаффор Ирисов Ҳ.Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмаси раиси муовини лавозимда ишлаб юриб, галла ўрлаётган 3-бўлимда бўлиб, эндигина ўрилган галла трактор тележасига юкланаётганини қўриб қолади. Шу аснода қалласига шайтон қўйган фикрдан юраги «харпикиб» кетдики, ишчиларга тележка тўлса, галлани майдон четидаги қамшизорга тўкишга буйруқ берди. Аммо, бу 2050 кг. галлани, қандай сотиб, пулини чўнтакка қандай уриш ҳақидаги ҳам хаёллари тугмай, пайтавасига қурт тушди. Қонун ҳимоячилари унинг кирдикорларини фош қилдилар.

1998 йил 30 июнь куни олиб борилган текширишда эса С. Раҳимов номли 1-вара ширкатлар бирлашмаси 3-бўлим 2-звеноси бошлиғи Анвар Жуманов ўз звеноси галла майдонларида жами 2300 кг. бугдойни яшириб қўйганлиги аниқланди.

«Галла-98» тадбири давомида бу каби ҳолатларга кўплаб дуч келинди. Уларнинг ҳаммасини бир-бир саношнинг ҳолати бўлмаса керак. Ахир, ҳуқуматимиз галла мустақиллигига эришамиз деб бу борода изланишлар қўламини кенгайтиришга интилаётган бўлсаю, бу ёқда кимлардир халққа эш бўлиш ўрнига, қонун бўйича ўғирлик билан шуғулланиб ётсалар.

Ахир, шундоқ ҳам етиштирилган маҳсулотнинг режадан зиёди ва режанинг бир қисми ишлаб чиқарувчи ихтирида қолмоқда-ку.

Ақбархон ТУРСУНОВ,
Зафаробод туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Жинойатга жазо муқаррар

СУПЕРФИРИБГАР

ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБА

Замон ўзгаришида, тараққиёт давом этмоқда. Бир пайтлар фақат инжонларда кўриб ҳавас қилганимиз - жуда катта операцияларни бир нуқтада тузиб, тез фурсатда бажара оладиган компьютерлар тизими бизга ҳам кириб келганига анча бўлди. Компьютерлардан халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида самарали фойдаланилаётгани кўнорлидир. Бугунги кунда айниқса, банклар соҳасини бу «ақлли машина»ларсиз тасаввур қилиш қийин. Компьютерни ўзига бўйсиндирган инсонлар чексиз имкониятларга эга бўлиб, қаттиқ тараққиётга ва халқни фаровонлиги йўлида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Лекин, яхшилик билан ёмонлик доимо ёнма-ён юраркан. Замонавий техникани тўла ўзлаштирган кадрларнинг тақчилроқ бўлиб турган бугунги кунда ана шу «камбў» ҳодимларнинг айримлари давлат ва халқ манфаатини ўйлабмасдан, бу техникалардан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринаётганлиги ўта ачинарлидир.

«Ўзмева-савзавотбанк»нинг таъкидсиз алоқалар ва давлатлараро ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи Алишер Рашидов шундайлардан биринчиси бўлиб чиқди. Тўғри, кейинги пайтларда фирибгарлик жинойтини эдир этиб, кўлга тушганлар, эр салмоғи ошган. Лекин, Алишернинг қилмишларини Бир Республикада биринчи марта рўй берган суперфирибгарлик, десак адошмаймиз. Чунки, у одамларни эмас, катта-катта ташкилотларни алдаш йўли билан ушбу «шарафли» номга мушарраф бўлди.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ҳақиқатдан ҳам, Алишернинг институтда интилиб, тиришиб ўйганилиги ўз саморасини берди. У ёш бўлишига қарамай, мутахассислиги бўйича юксак погоналарга кўтарилди. Ҳа, Алишер Рашидов «Ўзмева-савзавотбанк»дек катта банкда таъкидсиз алоқалар ва давлатлараро ҳисоб-китоб бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаб боради. Жамоада ўз касбининг устаси сифатида ҳурмат қозонди. Бўлимнинг барча ишларини Алишернинг якка ўзи бажарарди. Чунки, мазкур бошқармадаги компьютерни бошқаришни, унга қўйилган шифр ва кодни ундан бошқа ҳеч ким билмасди. Алишерга банк бошқарувчиси ҳам, бош ҳисобчи ҳам ўзларига ишонгандек ишонарди.

Банкда компьютердан фойдаланишга яқинда ўтила бошлаганлиги учун ҳодимларнинг кўпчилиги компьютерни тушунамасди. Алишердан ўрганмоқчи бўлган баъзи ҳодимларга эса, у ўргатишни хоҳламади, ҳар хил баҳоналар билан ўзини олиб қочди. Шундай қилиб, мазкур бўлимдаги сир-асрорларни фақат компьютер ва унинг якка эгаси Алишер биларди. Бу эса бўлим бошлиғининг бошиқ тўпшаш ниятини амалга оширишида қулай шароит яратиб берди.

У Москвадаги «Тверуниверсалбанк»нинг корреспондентлик ҳисоби шифрларини билиб олган, миёнага келган фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Чунки, у компьютердаги шифр ва кодлар орқали банкдан ўз номига пул ўтказиб олса ҳам, ҳеч ким билмай қолади, деб ўйлади ва ҳеч иккиланмай бу ишни амалга оширишга охиқди.

Қадрдон компьютернинг беимнат хизматлари ёрдамида 5 миллион Россия рублини «хизмат сафари учун», деб ўз номига ўтказган Алишер қалбаки ҳужжат тайёрлашда ҳам устаси фаранг чиқиб қолди. У ўз қўлларини билан 210-сонли ишончномани тайёрлаб, фирибгарлик йўли билан банк бошқарувчиси ва бош ҳисобчининг имзосини қўйдириб олишнинг ҳам удадасидан чиқди. Энди фақат шу ишончномани олиб бориб, банкдан пулни олиш қолган эди. У меҳнат таътилига чиқиб, Москвага гўё қанот чиқариб ўчиб кетди. Чунки, «Тверуниверсалбанк»да Алишерга 5 миллион Россия рубли мунтазир турарди. У осонгина бу пулларни кўлга киритди. Айни пайтларда чўнтағига пул кирган Алишердан бахтли одам йўқ эди, дунёда. Пул бўлса чангалда шўрва, деганларидек, ҳамма унга ҳавас билан қаради. Борган жойида давранинг тўри уники, ҳуллас, пулда ҳосият кўп эканлигига Алишер амин бўлди.

Жонзотлар орасида энг айёри бўлган тулки чиройли думлари билан изларини ашириб юраркан. Худди шунингдек, Алишер ҳам қилмишларини сездирмаслик мақсадида ўзи ишлаб турган банкнинг ҳисоб-китоб бўлимига «Тверуниверсалбанк»дан олинган 5 миллион Россия рублининг яна мазкур банкка қайтарилгани ҳақида қалбаки маълумотномани топширишни ҳам унутмади.

Ҳамма ишлар жойига тушди, асосийси, Алишернинг бу фирибгарлик ишини ҳеч ким сезмади. Энди у улкан орзулар қанотида катта ишларни амалга оширишга шайланарди.

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...

Биронта ота-она йўқки, фарзандининг камолини кўриб қувонмаса. Алишернинг ота-онаси ҳам ўғлининг топарман-тутарман бўлганидан хурсанд. Улар Алишернинг бошини икки қилиб қўйиш вақти келганлигини айтиб, ўғлидан розилик олишди. Тез орада тўй бўлиб ўтди. Келин ҳам бегона эмас. Алишер билан бирга ишлайдиган Феруза исмли қиз

эди. Шундай қилиб, бахтли келин-куёвлар асал ойини Москвада ўтказишга қарор қилишди. Бу қарорнинг ташаббускори Алишер эди. Чунки, у саёҳат баҳонасида бир ўқ билан икки куёвни уришни мўлжаллаб қўйганди. Алишер тўй муносабати билан чиқадиган таътилидан олдин жуда пухта ўйланган, ўзининг «бизнес режа»сини тузиб қўйганди. Бу режани амалга ошириш учун эса унга ишончли шерик керак эди. Москвада ҳаётининг энг ширин дамларини ўтказётган Ферузахон негадир Алишернинг хаёли парисон эканлигидан ҳайрон. Алишернинг пулга бўлган ишқи Ферузига бўлган муҳаббатидан устун чиқди. Ҳатто сафорларининг ниҳоясига, Тошкентга қайтишлари керак бўлган кун ҳам Алишер ёш келинчақнинг бир ўзини таншишининг ҳондонига қўйиб, бир ҳафта ном-ишонсиз кетиб қолади. Келин бундан қанчалик хавотирланганлигини, лекин унинг нима ишлар билан юрғатилигини билмаслигини айтиб, судда гувоҳлик беради. Кейин маълум бўлишича, Алишер ўша пайтларда ўзининг «бизнес режа»сини амалга ошириш учун шерик излаб топиш билан овозра бўлган. Ҳа, Алишерга режаларини амалга оширишга ёрдам бермоқчи бўлган киши - Москвадаги энг йирик фирмалардан бири бўлган «Бобур-ИНК» фирмасининг президенти Н.Эргашев бўлиб чиқди. У Алишернинг режасини тўла-тўқис маъқулади ва бажонидил ёрдам беришга рози бўлди.

«БИЗНЕС РЕЖА» ЁКИ ВАЛЮТА ҲИСОБИ

Шу компьютерларни кашф қилган олимларнинг отасига раҳмат, дея ўйларди Алишер. Агар олдинги замон бўлганда борми, компьютер орқали бир зумда топган пулимни бир умр ишлаб ҳам тополмасдим. Амал текканда, фойдаланиб қолиш керак.

Бу бородаги дастлабки тажрибаси муваффақиятли чиққан Алишер, энди пухта ўйланган режалар асосида ҳаракат қиларди. Сўнгги пайтларда унинг бўлими «Тошкентвино» акционерлик жамиятига «Тверуниверсалбанк»нинг корреспондентлик ҳисобидан пул ўтказиб бериши лозим эди. Бўлим бошлиғи шу возиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Нима, осмон узлиб ерга тушармиди, ўйларди Алишер. «Тошкентвино» пулни уч ой олдин олмаса, кейинроқ олар, шундоқ ҳам пиёнистлар қўлайиб бораётди. Уларнинг кўп маҳсулот чиқаргани кони зарар-ку, дея ўзини оқлашга ҳаракат қиларди, у. Шундай қилиб,

режага кўра, «Тошкентвино» акционерлик жамиятига «Тверуниверсалбанк»нинг корреспондентлик ҳисобидан ўтказилиши керак бўлган 60 минг АҚШ долларининг 50 минг доллари компьютер орқали, келишувга кўра, «Бобур-ИНК» фирмасига ўтказилди. Фирма президенти илтимосига кўра, 10 минг АҚШ доллари эса Германиянинг «Дрездн банк» фирмасига, Яъни «Бобур-ИНК» фирмасининг фойдасига ўтказилди. «Бобур-ИНК» фирмаси президенти билан Алишер ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, оғзаки келишиб қўя қолишди. Келишувга кўра, фирма уч ойдан кейин 15 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан ўшбу ўтказилган пулларни «Тверуниверсалбанк»нинг корреспондентлик бўлимига «Ўзмева-савзавотбанк» фойдасига қайтариши лозим эди. Тўланмаган 15 фоиздан бўлим бошлиғи анча-мунча фойда олишни кўзда тутганди.

ҲАР ДОИМ ҲАМ ОМАД КУЛИБ БОҚАВЕРМАЙДИ

Мана, оғзаки келишув орқали 60 минг АҚШ долларининг «Бобур-ИНК» фирмасига ўтгани ҳам белгиланган уч ойдан ошиб, 5 ойга етди. Лекин, халихануз пулдан дарак йўқ. Бўзчининг моқисидек, «Ўзмева-савзавотбанк»га қатнайвериб, ҳафсаласи пир бўлган «Тошкентвино» акционерлик жамияти мутасаддиларини алдайвериб, Алишернинг ёлгонлари ҳам тугаб бўлди. Бу орада «Ўзмева-савзавотбанк»нинг «Тверуниверсалбанк»даги муҳбирлик ҳисобида текшириш бошланди. Алишернинг 5 миллион Россия рублини банкдан олиб, ҳеч кимга билдирмасдан ўз манфаати йўлида ишлатиб юборганлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Ўғлининг энди одам бўлган жойида «синиб қолиши»дан хавотирланган ота-онаси бу пулларнинг ўрнига банкка 46 минг сўм топширишга мажбур бўлди. Лекин, Алишернинг кейинги ишларини осонликча тўғирлаб бўлмасди. Аксига олиб, Алишерда ўзининг ишончли шериги «Бобур-ИНК» фирмаси президенти иш жойи ва уй адреси ҳам йўқ. Ҳў фири-респондентлик ҳисобидан пул ўтказиб бериши лозим эди. Қалаётганини англаб етган Алишер Н.Эргашевни излаб топди ва унга вазиятни тушунтирди. Барбод бўлган операцияда асосий айбдорлардан бири бўлиб қолганини сезган фирма президенти ўз айбини хаспўшлаш мақсадида «Ўзмева-савзавотбанк»га: «Фирма-мизга сизларга тегишли пул қандайдир англашилмовчилик орқали ўтиб қолибди, биз бу

пулларни тезда қайтармоқчимиз», деган мазмунда хат жўнатади. Лекин, бу хат унинг айбларини бўйнидан соқит қилмайди. Бахтга қарши, айни пайтда «Тверуниверсалбанк» ёпилиб қолади ва пулни қайтариш яна чўзилади.

Бозор иқтисодиёти қонуниятлари жамиятдан ҳар кунни ривожланишни, тараққиётни талаб қилади. «Тошкентвино» акционерлик жамиятига ҳам ўз фаолиятини ривожлантириш учун маблағ керак эди. Ана шу маблағни ўз вақтида ололмаган акционерлик жамияти қанчадан-қанча моддий зарар кўрди. Албатта, корхоналарнинг бундай ҳолати юртимиз тараққиётига ҳам зиён етказди. Буларнинг ҳаммасига нафас балосига йўлиқиб, «Тошкентвино» акционерлик жамияти номидан унинг розилигисиз ноқонуний иш олиб борган А.Рашидовдек суперфирибгарлар айбдор. Бу ҳолатларнинг юзага келишида фақатгина шу инсонлар жавобгар, десак тўғри бўлмас. Ўз навбатида «Ўзмева-савзавотбанк» мутасаддиларининг банк ишларини бошқаришда ҳўшёр турмаганлиги ҳам Алишернинг бу йўлларга кириб, тентираб қолишига сабаб бўлган. Ўз нафси йўлида порлоқ келажакни барбод қилган Алишер Рашидов қилмишига яраша жозо олиб, суд ҳукми билан узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этилди.

ҚИССАДАН ҲИССА

Жамиятни ҳаракатлантирувчи кўчлардан бири бўлган пул муомаласини йўлга қўйиш юртимиз тараққиёти ва фаровонлигининг асосидир. Пул ҳақида қулга кетса, биз уни қора бўёк билан чаплаймиз.

Ҳаётда пул инсон учун хизмат қилиши керак эмасми? Айни пайтда, аксинча, инсон пулнинг қулга айланган қалайи. Мазкур жинойатларнинг олдини олиш учун биринчи ўринда кадрларни тўғри танлай билиш, улар устидан доимий назоратни қўйиб олиш талаб қилинади. Бундан ташқари, биз электроника ва компьютерлар асрида яшаймиз. Қайси соҳада бўлмасин, фаолият кўрсатаётган ҳар бир ҳодим компьютерларнинг сир-асрорларини тўқил билиши лозим бўлади. Бундан ташқари, банк ва молия соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлашда, уларга ўз касби бўйича чуқур билим бериш билан бирга, ватан ва халққа муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Анвар ШИРИНОВ,
Республикаси прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси.
Меҳри БОЛЛИЕВА,
«Хукук» муҳбири.

Навр

- Озгингни очинг... Ха, ана шундай... ҳозир... йўқ-йўқ, унчалик катта очманг, ўзим кирмайман-ку...

Илҳом ЗОЙИР

ОҒЗИНГИЗНИ ОЧИНГ

Уттан кўни қизик воқеа бўлди-да, шунда сантехник бўлмаганимга афсусланиб кетдим. Дўхтирларни биласиз-ку, туну-кун ҳаловати йўқ. Бир кунда сизга ўхшаганлардан сон мингтаси келиб-кетди. «Нафас ол, нафас чиқар!» Озгингни оч, озгинги ёпи деввериб чарчаб кетасан... Йўқ-йўқ, сиз озгингни очинг... Навбатчи бўлган кунлари эса оёқда оёқ қолмайди. Дўхтирлик яхши, одамларнинг дардига молҳом бўласиз, баъзан кўрук, баъзан... раҳмат деб қўйишади. Бир кун олдин навбатчи эдим, тушликка яқин «чоқирув» келиб қолди. Биттасини иссини чиқиб, силласи қуриб, ўйда бир шан бўлиб ётган эмиш. Ўзингизга маълум, қасам ичиб қўйганимиз, бизда йўқ, дейиш йўқ! Беморнинг талаби биз учун қонун! Тонинг нариги тарафида бўлса-да, хузурига шошамиз. Эй, озгингни нимгага ёлдингиз, очинг!... Ўша кун санитаркамиз Тося ҳола тувилган кун муносабати билан процедура хонасида дастурхон тўзаяпти. Ичимда тавалло қилиб ўтирибманки, шу тушлик вақтида бирортаси чоқириб қолмасин. Йўқ, таваллом ихобат бўлмади. «Ха, сеними» деб йўлга чикдим. Бунини қарангки, шерикларга «мени ҳаққимни тоқчага олиб қўйилар» деб бир оғиз ҳам айтмабман...

- Ҳайрият-е, гапим ерда қолмабди! Қани-қани, қўлингиздагини менга беринг! Уялманг, киринг-киринг, - деб мени ичкарига бошларкан бировлардан нолий кетди: - Қўшнилар «уларни қўй сўйиб чакирсангиз ҳам келишмайди» дея информация беришди. Шуларни бир мулзам қилай деб, шортта Сотти Сувоновичга. Сотти Сувонович залатой одам-да, гапимни икки қилмай, дарров сизни юборибдилар... Қани, оёқни ечинг!... Сизни келатганингизни хойнаҳой қўшнилор қўришмаган бўлса керак?.. Ҳечқиси йўқ, сизни уларга кўрсатмай ҳеч қоёққа юбормайман, қўриб қўйишсин, бизнинг ҳам гапимиз юк босишини... У шунангиз сермулозамат эканки, менга оғиз очишга имкон бермади. Ичкарига кирсам, узун столга дастурхон қилинган, чивинданми, гўборданми сақлаш учун ноз-неъматлар устига оқ доқа ташлаб қўйилган. Энди, дастурхондаги шишаларнинг ранг-баранглиги кўзни қомаштириб, томоқни таққиллатиб юборди. Шишалар парда ортида янада жозоба қасб этиб турибди... Озгингни яна катта очиб юбордингиз, ўзингизни қийнамонг, сал бундайроқ очсангиз ҳам бўлади... Шундай қилиб десангиз, қўрада-қўймай мени тўрага чиқарди. Мен эса одоб доира-сида гап бошладим.

Ҳажвия
- Кечирасиз, мен аввало, касални кўрсам, дедим, - деб миждовланувдим, у «ўтиринг» дегандай елкамдан беозоргина босиб қўйди.
- Касални кўраверасиз! Мен Сотти Сувоновичга «аввал жижиз-биз, кейин биз-сиз» деганман. - У оқ доқани олиб, дастурхонни очаркан, узун бўйли шишалардан бирини қўлига олиб, деди: - Сизларнинг томоқларингизни хўллама, кўларингиз қалтираб, кўларингиз хира тортади, шундайми?
Томоғим қитиллаб турса-да, унинг гапи ҳамиятимга тегиб кетди.
- Бизни ким деб ўйлаясиз? - дедим ўрнимда сал қимрлаб қўйиб.
- Биз, аввало касални тўзатиш пайдида бўламиз, кейин «жиз-биз». Ўшанда ҳам вақт бўлса. Қани, касални кўрсатинг, айтаримни айтиб, қиларимни қилиб, сўнг кетай. Яна бир-икки жойга ўтишим керак...
Жаҳлим чиққанлигини сездим, муомаласи ўзгарди.
- Бизда тармоқ касал, - деди у шишанинг бурма қолқоғини очиб, пахта гулли пиёлаларга ароқ қуяркан. - Ертуладан тортиб то тўққизинчи қаватгача аҳвол шу. Ҳозир ўз кўзингиз билан

кўрасиз.
- Сиз қанақа тармоқ ҳақида гапираясиз? - дедим ҳайрон бўлиб. - Ўлай агар гапнингиз тушунаётган бўлсам. Сиз телефонда «Тармоқ» эмас, «томоқ» касал, деб айтгансиз. Тармоқ ҳақида ҳеч нима айтмагансиз!
- Айтганман! Иситиш тармоғи ишдан чиққан, деб Сотти Сувоновичга ётиги билан тушунтирганман. Сизга айтмабдилар-да, а?
- Авваломбор, буюққа Сотти Сувонович юбормаган мени, ўзим келганман, «чоқирув» бўйича. Ундан кейин «тармоқни» эмас,

«томоқ»ни кўргани келганман. Қани, озгингни очинг!...
Мендаги хайрат энди унга қўчди.
- Хали сиз, - деди чўкиш, - ишга чоғлаб турган пиёласини дастурхонга қуяркан. - Мен бир соатдан буён...
Мен ҳам қўлимдаги пиёлани дастурхонга қўйдим. У шунини кўтиб тургандай дарров оқ доқани қайта дастурхон устига ёпиб қўйди. Беихтиёр ўрнимдан қўзалдим. У номига бўлса-да, «ўтиринг» демади.
Орқамдан эшик шарақлиб ёпилакан, сантехник бўлмаганимга афсусланиб кетдим... Эй, нега индамай ўтирибсиз? Қаерингиз оғрийди? Озгингни очинг-чи!...



Хобби
ҲАЁТ ҲАЁТИНИ
Аброр МУРОДОВ, Тошкент вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси:
- Спорт болалиқда ўйин, ёш улгайгани сайин эса ҳақиқий мактабга айланади. У баъзан инсон ва жамият ҳаётида кўп муаммоларнинг ижобий ечим топишида ҳал қилувчи восита бўлиши мумкин. Спорт чиройли ўйинлар билан сиёсатларни енгиб кетади, сиёсатчиларга ўйин кўрсатади. Спорт ҳам санъат, ҳам илм-дир. Унга сарфланган маблағ қадар олтин уруғдир.

Бир чимдим кулгу

Судья: Хотинингиз билан бўлган жанжалнинг тафислотини гапириб берсангиз.
Айбланувчи: Сақизта сўт шишаси, ўн иккита тарелка, иккита пиёла, тўртта коса сингандан кейин жанжал муваффақият билан тугади.

Полиция бошқармаси қидирлаётган жиноятчининг олти хил тарзда олинган суратини ҳамма участкаларга тарқатди. Орадан кўп ўтмай, участкаларнинг биридан шундай ахборот келди: «Бештаси қолоққа олинди, олтинчисининг кетидан кузатаяпмиз».

Судья: Сиз хотинингизнинг бошига тарелка билан урибсиз. Наҳотки, унга ачинмаган бўлсангиз?
Габроволик: Ачинмай бўладими? Тарелка янги эди.

Тўй пайтида куёв безовта - унинг янги туғлиси сиқаяпти. У тезроқ тўйнинг тугагини кўтапди.
Шунда келин дейди:
- Азизим, тўй тезроқ тугаса-ю, икковимиз ёлғиз қолсак...
- Нега, жонгинам? Сизнинг ҳам туғлингиз қисятими?!

Эркин дунё қиёфаси

Ўша кўни директор мактабга ояло қайфиятда келган эди. Туман халқ таълими бўлимида мактаб шоянга анчагина мактовлар айтилган, барча кўрсаткичлар жойида эди. Бир вақт директор хонасига ўқувчиларнинг ота-оналари кириб келишди ва гапа-говур бошланди кетди. Директор бу шовқинни тинчитиб, нима гаплагини суриштирди.

УЙҒОНИШ МАКТАБИ

ЭКИ КРИМЛИК ЁШ ҲИЖОЯТЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТГА САБАБ БЎЛГАН ДАРСЛАРИ

ни ўқувчилар интизорлик билан кўтирар, айрим болалар бўлса уларнинг уйига ҳам боришар, ҳар хил «камбё» китобларни олиб туришарди. Ҳаммаси ана шундан бошланди. Саяновларнинг уйда туғилган кун нишонланаётган вақтда бир эмас, беш ўқувчи бори қолишди. Улар бевақт келишганини англаб, орта қайтоқчи бўлдилар. Лекин, мезбонлар уларни уйга тақлиф қилиб, зиёфатни давом эттиришди. Ўсмирларга ҳам ароқ ва шамапан винолари қўйилди. Болаларнинг маст бўлишлари учун эса ярим соат кифоя қилди. Бироздан сўнг, ўқувчилардан уч нафари уйларига қараб йўл олишди.
Хонада эса ёш педагоглар ва тинчгина ухлаб ётган икки болақой қолди. Николай уларнинг уйига телефон қилиб, қўшимча машғулот ўтаётганлигини, болалар унинг уйда қолишини айтиб, ота-оналарни тинчлантирди. Шундан сўнг, ўзaro кўз уриштиришгач, Николай ўқувчи қизнинг, Наташа эса боланинг ёнларига қўзғилишди ва...
Шундай қилиб, устоз ва шоприларнинг «севги романи» бошланди. Болалар анча вақтга қачон жим юришди, лекин барибир синфдошларига айтиб қўйишди.
Энди бутун синф жинсий тарбия олишга киришди. Бу нарса

узoқ давом этиши мумкин эди, агар да...
ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ
Тез орада ўқувчилар устозларидан олган тарбия асосида бири-бири билан олоқога киришдилар. Айни шу пайтда мактаб ўқитувчилари синфдошлар узарo жуذا аҳил бўлиб қолганликларини пайқашди.
Қизлар бирин-кетин ҳамилдор бўла бошлади. Бир вақтнинг ўзида қиз қўитувчиларидан маслаҳат олишга югурди. Табиийки, муаллимлари уларни врач хузурига жўнатадилар. Миждозларнинг ёшлигини кўрган шифокор хайратда қолди ва уларнинг ота-оналарининг фикрини билмоқчи бўлди. Ота-оналар ҳам ўз навбатида болаларни қистовга олишди. Қизлар бундай «тажриба»ни қаерда ўлаштирганликларини айтишгач, ота-оналар қазабга минишди ва директор билан учрашишга шошилишди.
Бу саргузаштларнинг охири нима билан тугагини тасаввур қилиш қийин эмас: эр-хотин Саяновлар устидан жинсий иш қўзғатилди.
Хориж матбуотидан Дилшод АҚҚАРОВ таржимаси.

БИЗНИНГ ДАВРИМИЗДА...

Биринчи бўлиб 6-синф ўқувчиси Слава Михайловнинг отаси гап бошлади: «Бизнинг болаларимиз сигарет, ароқ ва секс нималигини биздан яхшироқ билишади. Биз ўқиган даврда бу нарсалар ўқувчиларга ўргатилмасди. Шунини тушунтириб берсангиз».
Директорнинг бу гаплардан боши қотди. Қайси ўқитувчи дастурдан ташқари «четга» чиқиси мумкин, дея уйга толди. Ота-оналар икки ўқитувчининг исмини айтишди. Бу ўқитувчилар ақиндагина турмуш қуришган, институтни битиргач, мактабда эндигина иш бошлашган эди. Уларнинг исмини эшитган мактаб раҳбарининг тепа сочи тикка бўлиб кетди.

БОЛАЛАР ҲИЖОЯТИ...

Николай ва Наталья Саяновлар институтни битиришгач, нуфузли мактабга ишга жойлашган эдилар. Наталья рус тили ва адабиёти, Николай эса математикадан дарс беради эди. Икки ёшнинг дарслари

Турфа олам

ГАЛСТУКЛИ ФУТБОЛЧИЛАР
Майдонга галстук тақиб тушган футболчиларни кўрганмисиз? Ирландиядаги «Портланд роверз» клуби ўйинчилари майдонга албатта галстук тақиб чиқишади. Маълум бўлишича, бир бойвачча ишчибоз: «Агар майдонга галстук тақиб тушсанглар, бутун бойлигимни командага қолдираман», деб васият қилган экан.

АВСТРАЛИЯНИНГ ГЎЗАЛ ЭРКАГИ

Бу дунёда нималор содир бўлмайди, дейсиз. Шунинг учун ҳам уни бир сўз билан хайрат дунёси, деб аташ мумкин. Негаки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар юз бердики, сизни хайратга солмай қўймайди. Мана масалан, австралиялик 24 ёшли йигит Брисбен шаҳрида қизлар ўртасида ўтказилган «Мисс Австралия» кўрик танловида қатнашди.
Ҳозирги замонда аёл билан эркак тенг ҳуқуқли, демек улар мусобақасида биз ҳам қатнашиш ҳуқуқига эгамиз, деди йигитлар.

ТИРИК АЁЛЛАР МУЗЕЙИ

Брюссел шаҳри марказида белгиялик расом Ян Бюквуа ташаббуси билан дунёда биринчи марта аёллар музейи ташкил этилди. Ундан расомнинг картиналари ўрин олган. Бироқ, ажабланили жойи шундаки, музейда тирик экспонатлар ҳам бор. Бундай экспонатлардан 13 та бўлиб, улар аёллардир. Улардан бири қип-ялғонч ҳолда музейда турди. Дарвоқе, улар ўз хоҳишлари бўйича «экспонат»га қўйилган. Уларнинг иш қилиш эрталаб 10 дан кеч соат 17гача.

Томошабинлар тирик экспонатларга қўл теккизишлари мумкин эмас, қолаверса, «экспонат»лар билан гаплашиш ҳам таъқиқланган.



Сунги зарба. Р.ШАРИПОВ сурати